

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

12 **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2063*

(2010 йил 23 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кирази.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 29 декабрь,
39/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил
29 декабрдаги 39/1-сонли қарорига
ИЛОВА

**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши
курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари
учун тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит
ташкilotлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон
Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган
чоралар ва санкциялар тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) ҳамда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 9-сон, 160-модда) қонунларига мувофиқ тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкilotлари ва ломбардлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан кейинги ўринларда Марказий банк деб юритилади) томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкцияларни белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Марказий банк ушбу Низомга мувофиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилишига йўл қўйган тижо-

рат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан чора ва санкцияларни қўллайди.

**II. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши
курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги
учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган
чоралар ва санкциялар**

2. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бажарилмаган ҳолларда Марказий банк:

тижорат банкига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида тегишли кўрсатма йўллаш;

тижорат банки устав капиталининг белгиланган энг кам миқдорининг бир фоизигача бўлган миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

3. Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги Марказий банкнинг кўрсатмаларини бажармаган, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини қўпол равишда ёки мунтазам равишда (бир йил мобайнида икки ва ундан ортиқ маротаба) бузган тижорат банкига нисбатан Марказий банк:

ушбу тижорат банки (филиали) раҳбари, шунингдек, унинг ички назорат хизмати раҳбари ва масъул ходимларини алмаштиришни талаб қилиш;

банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда ва хорижий валютадаги операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилган айрим операцияларни ўтказишни бир йилгача бўлган муддатга тўхтатиб қўйиш;

банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни ва хорижий валютадаги операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олишгача бўлган чораларни қўллашга ҳақлидир.

**III. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши
курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги
учун кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва
ломбардларга нисбатан қўлланиладиган чоралар ва
санкциялар**

4. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бажарилмаган ҳолларда Марказий банк:

кредит уюшмаси, микрокредит ташкилоти ва ломбардларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида тегишли кўрсатма йўллаш;

кредит уюшмаси ва микрокредит ташкилотидан мос равишда кредит уюшмаси ва микрокредит ташкилоти устав капиталининг белгиланган энг кам миқдорининг бир фоизигача бўлган миқдорда жарима ундириш;

ломбарддан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаригача бўлган миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

5. Марказий банкнинг камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажармаган, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини қўпол равишда ёки мунтазам равишда (бир йил мобайнида икки ва ундан ортиқ маротаба) бузган кредит уюшмаси, микрокредит ташкилоти ва ломбардга нисбатан Марказий банк:

ушбу кредит уюшмаси, микрокредит ташкилоти ва ломбард раҳбари, шунингдек, уларнинг ички назорат хизмати раҳбари ва масъул ходимларини алмаштиришни талаб қилиш;

кредит уюшмаси, микрокредит ташкилоти ва ломбард фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилган айрим операцияларни ўтказишни тўхтатиб қўйиш;

кредит уюшмаси, микрокредит ташкилоти ва ломбард фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олишгача бўлган чораларни қўллашга ҳақлидир.

IV. Яқуний қоидалар

6. Ушбу Низомда белгиланган жарима чоралари тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга Марказий банкнинг фармойиши асосида қўлланилади.

7. Тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензияни тўхта-тиб қўйиш ва чақириб олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказий банк Бошқарувининг қарорига асосан амалга оширилади.

8. Ундирилган жарима суммаси Марказий банкнинг «Бошқа фоизсиз даромадлари» баланс ҳисобварағига ўтказилади.